

---

## Вилоят семинари ўтказилди

Риштон туманида вилоят ҳокими ўринбосари А. Турсунов, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Д. Эргашева иштирокида ипак қуртини парваришlash мавзусида вилоят семинар ташкил этилди. Ушбу семинарда барча туманларнинг маҳалла ва оилани қўллаб - қувватлаш бўлими бошлиқлари ҳамда хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, ипак қурти бўйича кластерлар, аграномлар иштирок этишди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари ипак қуртини парваришlash бўйича атрофлича тўхталиб ўтди ва тавсиялар берди. Шунингдек, семинар якунида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда ипак қурти боқувчиларни вилоят ҳокимининг совғалари билан тақдирландилар.

2021-05-08 06:19:18